
Фурқат туманида тиббий хизматлар аҳолига яқинлаштирилмоқда

Фурқат туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббиётни яқинлаштириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Эшон" маҳалла фуқаролар йиғинида соғломлаштириш реабилитация бўлими учун янги бино қурилмоқда. Ушбу маскан 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, юрак қон-томир касалликлари, неврология, эндокрология, гепортания каби касалликларни даволашга мўлжалланган.

Бундан ташқари тумандаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган "Олатой", "Тўрғай", "Чекшариф", "Қўрғонча" қишлоқларида 4 та маҳалла тиббиёт пунктлари [ташқил этилган](#).

Ушбу ҳудуддаги тиббиёт пунктларига оилавий поликлиникадан 4 нафар оилавий шифокор ва 10 нафар маҳалла тиббий ҳамшираларидан иборат тиббий гуруҳлар бириктирилган.

Маҳалла тиббиёт пунктлари зарур тиббиёт анжомлари билан таъминланиб, тармоқ корхоналари томонидан электр, ичимлик суви билан таъминланган.

2023-07-29 08:55:27